

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!



# Ishonch

2016-yil  
9-iyun,  
payshanba


№ 69  
(3730)

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!



**Сўнги чорак асрлик давр Ватанимиз тарихига бурилиш нуқтаси бўлиб кирди. Ўзбекистоннинг мустақил суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш сари қўяётган дадил одимлари улкан ижтимоий ва тарихий жараён дидир.**



солиқ ва бошқа кўринишда имтиёзлар берилиши муҳим омил бўлди. Шу ўринда саноатда ўсишнинг характерли жиҳатларини қайд этиш мақсадга мувофиқ, 1991 йилдан бунён юридик макомдаги соҳа корхоналари сони 80 тадан 2341 тага кўпайди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 14,2 мартага ошди.

Жорий йилнинг беш ойлик кўрсаткичлари қабул қилинган дастурлар ижроси изчил таъминланаётганини кўрсатмоқда. Утган даврда 23 та йирик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхона томонидан 930,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу олдинги йилнинг мос даврига нисбатан 88,5 млрд. сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди, дегани.

Бугунги кунда ҳудуддаги 2100 та кичик корхона ишлаб чиқариш, аграр, маиший хизмат, қурилиш, ҳалқ хунарамандчилиги ва бошқа соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда тadbirkorликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини жорий этиш борасидаги ислохотлар хорижий компаниялар билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, мазкур йўналишдаги «ДЭУ Текстайл Бухара», «Кнауф гипс Бухоро» каби қатор чет эл капиталидаги корхоналар томонидан тайёрланган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларига эга бўлиб улгурди.

Бугунги кунда қурилиши бошланган Қандим газни қайта ишлаш комплексининг яна яқин йилларда ишга туширилиши инобатга олсак, вилоят иқтисодий нечоғли юксалишини тасаввур этиш қийин эмас.

Албатта, вилоят иқтисодий салоҳиятининг ошиши, барқарор ишловчи корхоналарнинг ишга туширилиши ҳудуд «Бандлик» дастури ижроси таъминлашида ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшларни ижтимоий мекнатга жалб этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар тўғрисида шу йилнинг ўзига 21461 киши доимий иш ўрни билан таъминланиб, бу борада беш ойлик режа 103,1 фоизга бажарилди.

»(2).

## Тараққиётнинг бурилиш нуқтаси

Кучли фуқаролик жамияти сари



**Сирдарё туманида фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик, муқобиллик ва тенглик каби демократик тамойиллар асосида ўтказилмоқда.**

### Муқобиллик асосида

Тумандаги «Илгор» маҳалла фуқаролар йиғинида намунали тарзда ўтказилган сайловда туман кўмаклашувчи комиссияси ҳамда ишчи гуруҳ аъзолари қатнашдилар.

Мазкур маҳаллада 2725 киши истиқомат қилади. Шулардан 1765 нафари овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролардир. Аҳоли 95 нафар вакилига МФЙ раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловда иштирок этиш ҳуқуқини берди.

Раисликка кўрсатилган уч нафар номзод сайловчиларни келгуси фаолият дастурлари билан таништирди. Натижада, улар орасидан энг муносиб деб топилган ҳамда фуқаролар вакилларининг 64,1 фоиз овозини тўплашга эришган Ихтиёр Шоимов йиғин раиси этиб сайланди. Маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчилари ҳам муқобиллик асосида, очик, ошкор тарзда сайлаб олинди.

Умаркул ОЧИЛОВ, сайловга кўмаклашувчи Сирдарё тумани комиссияси аъзоси

Халқимиз томонидан истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган улкан ютуқ ва марралар, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама билиш бугунги тобора глобаллашиб бораётган даврда катта аҳамиятга эга. Шу боис истиқлол тухфа тарикасида берилмаганлиги, уни мустаҳкамлаш юрдошларимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга ошаётганини теран англашимиз лозим.

Зеро, муқтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Бугун биз тарихий даврда — халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечириётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз». Аввало, тарихан қисқа бу вақт давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш даври бўлганлиги ҳатто жаҳонда муносиб эътироф этилмоқда.

Ватанимизнинг ана шундай улкан тараққиёт йўлида кўҳна ва шариф

воҳа фарзандлари — бухороликларнинг ҳам муносиб ўрни борлиги бугун чорак асрлик сарҳисоб арафасида ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз фахр ва гурур туйғуларини бахш этади.

Қадим-қадимдан Аму ва Зарафшон дарёлари бўйида зироатчилик билан шуғулланган вилоят аҳолиси ўзининг бой деҳқончилик маданияти билан шўҳрат қозониб келган.

Бугунги кунда ҳам вилоят иқтисодиётида муҳим ўринни эгалловчи аграр соҳа истиқлол йилларида, айниқса, кенг ривож топди. Бу ерда гап фақатгина пахта, галла ёки бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги охиб боришида эмас. Муҳими, аҳоли, айниқса, фермерларини ердан омилкорона фойдаланиш маданиятини ўз фаолиятларига татиқ эта олишди. Етиштирган ҳосилни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш даражасига чиқишди. Бугун қишлоқ мулкдори сифатида шакланган фермерларимиз эндиликда фақатгина аграр соҳа билан чекланмасдан тadbirkorликнинг саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, маиший хизмат кўрса-

тиш йўналишларида ҳам ўз имкониятларини синовдан ўтказиб, янги иш ўринларини яратиш ва бу орқали қишлоқ аҳли турмуш тараққиёти ва фаровонлигини оширишга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Хусусан, ўтган йиллар давомида воҳа фермерлари томонидан гўшт ва сўт, мева-сабзавотни қайта ишлашга мўлжалланган 63 та корхона, тежамкор технологиялар асосида ишловчи 223 та иссиқхона, 46 та музлатгич омбор ишга туширилди, 523 гектар интенсиф боғлар ташкил этилди. Ушбу рақамлар аҳамиятини биргина 2015 йил ҳамда жорий йил биринчи чорагида 46,9 млн. долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (пахта толасини қўшмаган ҳолда) экспорт қилинганлиги мисолида ҳам қўриш мумкин.

Вилоят иқтисодиёти ривожига саноат соҳасининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Бунда соҳа равнақига қаратилган ислохотларнинг изчил амалга оширилиши, хусусийлаштириш фаолиятининг эркинлаштирилиши, хорижий инвестициялар қиритилиши, халқаро ҳамкорлик муносабатларининг кенгайиши, субъектларга

Қарор ва ижро

## Амударё боғлари

**Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳада амалга оширилаётган ишлар кўламинини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.**

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида жорий баҳор мавсумида 1 минг 229 гектар майдонга сабзавот, 638 гектарга картошка ва 990 гектар ерга полиз экинлари экилди. 21,1 гектар майдонда янги боғ барпо қилинди. Соҳада инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш, турли агротехник тadbirkorликни вақтида сифатли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Қорақалпоққишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамияти Амударё туман филиалига қарашли 8 гектарлик интенсиф боғда 4 минг тупдан ортиқ юқори навли ярим паkana олма дарахти парваришланмоқда. Ҳосилга кирган боғ қатор ораларида сабзавот етиштириш тажрибаси ҳам кенг қўлланилмоқда.

**СУРАТДА:** (чапдан) Амударё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими етакчи мутахассиси Ренат Ҳайитбоев ва «Қорақалпоққишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамияти Амударё туман филиалига қарашли интенсиф боғ иш юритувчиси Ҳамза Сеймуратов.

ЎЗА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат



ТОШКЕНТ

### Янги спорт мактаби

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобига қуриб битказилган янги болалар ва ўзмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тadbirkor Президентимиз раҳнамолигида спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантириш, спорт билан шуғулланиш учун замонавий шaroитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Янги спорт мактаби фойдаланишга топширилиши билан 400 дан зиёд ўқувчини қамраб олган бокс, бадий гимнастика, футбол, каратэ, миллий кураш каби спорт тўғраклари иш бошлади.

САМАРҚАНД

### «Бунёдкор» ёшлар ишга кириши

Самарқандда вилоятдаги олий таълим муассасалари талабаларидан иборат «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзоларини қурилиш объектлари, корхона ва ташкилотларга ишга кузатиш маросими ўтказилди.

Тadbirkor вилоятдаги саккиз олий таълим муассасасининг 300 дан ортиқ талабасидан иборат дастлабки гуруҳлар меҳнат объектларига кузатилди.

Талаба-ёшларнинг ишдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан маданий-маърифий тadbirkor режалаштирилган. «Энг яхши меҳнат гуруҳи», «Меҳнат гуруҳининг энг фаол аъзоси» сингари танловлар ўтказилди.

АНДИЖОН

### Ҳамкорлик

#### Мустаҳкамланмоқда

Андижон вилояти Марҳамат туманида «Она ва бола соғлом бўлса — жамият мустаҳкам, мамлакат барқарордир» мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда Марҳамат тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тadbirkor туман ва шаҳарлар ҳокимларининг хотин-қизлар, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур дастур ижросини таъминлашда турли ташкилотлар ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзура Юнусова. — Илгор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилган тadbirkor иштирокчилар она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, маҳаллаларда спортнинг оммавийлигини ошириш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида Марҳамат туманида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, «Орифжон ота» хусусий шифо масканида яратилган шaroитлар билан танишди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

Ўқув-семинар

Ижро масъулияти

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда касба уюшмалари нималарга эътибор қаратиши лозим? Иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ҳар жиҳатдан пухтами? Ташкилотларда ижтимоий шериклик муносабатларига етарлича амал қилинаётими?

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг бирлашган касба уюшма кўмитаси томонидан ўтказилган ўқув-семинарда мазкур саволларга аниқлик киритилди ҳамда ижтимоий шерикликда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Белдерсой» дам олиш масканида ташкил этилган ўқув машғулотида тизимда фаолият олиб бораётган касба уюшма кўмитаси раислари ва ҳисобчилар иштирок этди.

Унда дастлаб Нефт-газ ва геология ҳодимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Ғ.Ҳамидов, «Ўзтрансгаз» АК бошқарув раиси ўринбосари М.Бошманов ва бошқалар ҳодимлар манфа-

атини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб, тармоқ касба уюшмаси олдида турган ус-тувор вазифаларга тўхталиб ўтишди. Шундан сўнг мавзуга доир маърузалар тингланди. Очиқ мулоқот асосида қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Семинарда иштирокчиларга ҳўжалик органлари билан ҳамкорликда ходимлар бандлигини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ҳуқуқий ҳимоя ва меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш масалалари бўйича ҳам тушунтириш берилди. Машғулотлар якунида иштирокчиларнинг билими тест саволлари орқали синовдан ўтказилди.

Гўзал НОРЧАЕВА, «Ishonch» мухбири

Андижон вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Агроекономат мажмуи ҳодимлари касба уюшмасининг ҳудуддаги фаоллари учун «Фермер ҳўжаликларини тармоққа жалб қилиш, уларни бошланғич касба уюшма ташкилоти билан қамраб олиш, тармоқда ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномалари омиллини ошириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқот

Уни тармоқ касба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Б.Жўраев олиб борди.

Семинар очиқ мулоқот, ўзаро таъриба алмашиш, савол-жавоб тарзида ўтди. Касба уюшмалари бутун эътиборини ҳар бир жамоа шартномасида ходимлар бандлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш,

меҳнат шартини, ишловчиларга, айниқса, аёллар ва ёшларга бериладиган ижтимоий имтиёз ва кафолатлар, ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар барқарорлигини таъминлашга қаратиши зарурлиги таъкидланди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ

Давра суҳбати

Барқарорлик омили

«Оқтош» санаторийсида «Буюк давлатни соғлом миллат ва соғлом авлодга кура олади» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда сикаттоҳ ходимлари ва дам олувчилар иштирок эттиди.

Тадбирда санаторий директори ўринбосари Мунаввар Мусаева, Санатор-курортлар бошқармаси ўқув-услуби маркази мутахассиси Махмуд Мурзаева, Бўстонлик туман бош имом хатиби Махмуд Абдусаттов, Республика Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими масъул ходими Муллавоӣ Ҳакимов, дам олувчилардан Навоий вилояти Қонимех туманида яшовчи меҳнат факрийси Умир Шопўлатов ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимизда соғлом авлодни вояга етказишда соғлом турмуш тарзи, соғлом оилавий муҳит, маънавий етукликни қарор

топтириш муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлашди.

Бунда, аввало, оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини талаб даражасида йўлга қўйиш, болаларни спорт тўғрисидаги жалб қилиш, соғлом оила муҳитини яратишда ота-оналар масъулиятини ошириш лозимлиги қайд этилди. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда уларни китоб ўқишга, турли маънавий-маърифий йўналишдаги тўғраракларга жалб қилиш ишларини янада жонлантириш ҳусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ўз мухбиримиз

Кўрик-танлов

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Давлат солиқ кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши ҳамкорлигида Олий таълим муассасаларида иқтисодий таълим соҳасидаги йўналишлар ва мутахассислик бўйича тахсил олаётган талабалар иштирокида «Солиқ билимдонлари — 2016» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.

Ғолиб жамоа аниқланди

Тадбирда таъкидланганидек, талабаларнинг солиқ қонунчилиги соҳасидаги билимларини ошириш ҳамда бу борадаги амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, уларни Конституция, Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, юртимизда солиқ сибсатини янада эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан доимий хабардор этиб бориш борасида кенг қўлмли тарғибот ишлари амалга оширилаётди.

Якуний босқичда жамоалар солиқ ҳақидаги билимларини турли саҳна кўри-нишлари ва бадий чикишлар, савол-жавоблар орқали намойиш этишди. Жамоалар «Таништирув»,

«Биздан савол — сиздан жавоб», «Уйга вазифа», «Сардорлар беллашуви» шартлари бўйича ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Қизгин баҳслар остида кечган танловда Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг «Аудитор» жамоаси биринчи, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг «Қолқанат» жамоаси иккинчи, Андижон қишлоқ ҳўжалиги институтининг «Улпон» жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб жамоалар ташкилотчиларнинг дипломи ва қимматбаҳо совгалари билан тақдирланди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ, «Ishonch» мухбири

Бу муқаддас Ватанда



Тараққиётнинг бурилиш нуқтаси

№(1).

Мамлакатимизда истиклол шарофати билан эришилган бу каби ўсиш суръатлари аҳоли, айниқса, қишлоқ одамлари турмуши фаровонлигида яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, вилоят аҳолисининг қарийб 76 фоизи табиий газ, 47,6 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланганлиги, қишлоқ ички йўллари режали асосда асфалтлаштирилганлиги таъкидлаш жоиз. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси асосида барпо этилаётган намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойлар қишлоқларимиз кўрқига-кўрк қўшди. Утган 7 йил давомида миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган, табиий иқлим шартини ва ўзбекона менталитет ҳисобга олинган, муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда қад ростлаётган бу йилларнинг 4277 таси фойдаланишга топширилган бўлса, айни пайтда яна 25 аҳоли пунктида 992 оилга мўлжалланган намунавий уй-жойлар барпо этилмоқда. Шунингдек, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда жамият ҳаётида ютуқларни қўлга киритган ёшларга имтиёзли кредитлар асосида уй-жойлар тақдим қилинаётди.

Қолаверса, ёшларимизнинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етиши, аҳолига сифатли табиий хизмат кўрсатиш, қўлай дам олиш муҳитини яратиш мақсадида умумтаълим, санъат ва спорт мактаблари, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлири, соғлиқни сақлаш ва дам олиш муассасалари барпо этилмоқда.

Албатта, бу каби ютуқларнинг барчаси Истиқлол ато этган имкониятлар натижасидир.

Ана шуларни беҳитиёр кўздан кечирар эканмиз, бундан чорак аср илгари юртимизнинг қулликка маҳкум этилган қиёфаси, аҳолининг ўша йиллардаги эртанги кунга нисбатан ишончсизлик, турмушдаги норозиликларини қўриқчилик туши каби эслаймиз. Истиклолнинг дастлабки йилларидаги тикланиш даврлари, халқимизнинг ўта қийин шароитларда кўрсатган матонатини ёдга оламиз. Уларни бугун фаровон турмушимиз билан беҳитиёр солиштирар эканмиз, дилимизда, тилимизда, онгимизда чарх ураётган, жавоби баҳтиёрлик, шукроналик туйғуларини бахш этувчи «КИМ ЭДИГУ КИМ БУЛДИК?» деган саволни қайта-қайта тақрорлаймиз.

Жавобдан қониксак-да, ҳали бу ютуқлар чегара эмаслигини, юртбошимиз раҳнамолигида азму шижоатда тенгсиз халқимиз билан янада юксакроқ марраларни забт эта олишимизга ишонамиз. Ва бу йўлда анги-янги режаларни тузамиз.

Зеро, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаро ўзини озод ва эркин, тинч ва осойишта, баҳтиёр ва фаровон ҳис этиб, шу мустақил маконда — Ватанда ўтаётган ҳар бир кундан шукроналик ҳисси билан яшашга, эртанги кун, порлоқ келажакка доимо ишонч кўзи билан боқишга тўла ҳақлидир.

Муҳиддин ЭСАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси аъзоси

Иқтисодиёт

Барча маҳсулот экспортга

Бухоро шаҳридаги Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган «Арк эко текстил» МҲЖ хорик корхонасининг фаолият бошлаганига 3 йил бўлди. Утган қисқа давр мобайнида жамоада катта ўзгаришлар рўй берди. Пахта толасини қайта ишлашга мўлжалланган Германия технологияси ўрнатилди. Ип-калав ва бўз ва доқа ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дастлабки йилларда 62 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилган бўлса, бугун уларнинг сони 120 нафарга етди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди, сифати яхшиланди.

Бугунги кунда «Арк эко текстил» ёрлиги билан буюртмачилар талабига мос тайёрланаётган маҳсулотга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта. Айниқса, Россия Федерацияси, Чехия, Польша, Украина, Қозғистон ва Озёрбайжон давлатларида анча харидоригир. Кечаю кундуз фаолият кўрсатаётган корхона ишчи-ҳодимлари учун самарали меҳнат қилиш ва дам олиш шароитлари яратилган. Белул иссиқ овқат ташкил этилган. Жамоа аъзолари ни ишга олиб келиш ва уйларига етказиб қўйиш учун автобус ажратилган. Иш ҳақи ўз вақтида тўлаб борилади.

— Утган йили Когон қишлоқ ҳўжалиги ва маиший хизмат касб-хунар коллежини битириб, бу ерга ишга келдим, — дейди ип йигирувчи Саида Ҳамидова. — Таъриба йигирувчи Гулноз Усмоновага шоғирд тушиб, касб сирларини ўргандим. Ҳозир ўзим мустақил ишлаб, белгиланган топшириқларни сифатли бажаришга эришяпман. Корхона директори лавозимини бажарувчи



Толибжон Қўлдошевнинг таъкидлашича, бу ерга Германиядан қўшимча равишда замонавий йигирув-тўкув агрегатлари келтирилган. Яқин кунларда ускуналарни ўрнатиш ишлари бошланади. Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйигача монтаж ишлари якунланиб, 10 та қўшимча иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, харидорлар сафи кенгайди.

Лобар БАРАКАЕВА, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг етакчи мутахассиси.

СУРАТДА: корхона илгор ип йигирувчиси Гулмира Йўлдошева.

БУХОРО ВИЛОЯТИ:

Келажак

Жараён

Мамлакатимиз мустақиллигига 25 йил тўлаётган шу кунларда орта бир назар ташласак, Ватан тараққиёти, юрт фаровонлиги йўлида қилинган ишлар кўз ўнгимизда бор бўйи билан намоён бўлади. Озод ва обод юрда яшаб меҳнат қилаётган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини бўлган касба уюшма ташкилотлари фаолияти ҳам ана шу эзгу мақсаднинг ажралмас қисмига айланган.

1 январь ҳолатида касба уюшмаси хизматига олинган юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, ташкилот, муассасаларнинг 98,5 фоизи, уларда ишловчи 263323 нафар ҳодим жамоа шартномаси муносабатлар билан қамраб олинган.

Ушбу муҳим ҳужжат тадбирлари бажарилиши учун вилоятда ўрта ҳисобда бир ҳодимга сарфланган маблағ 2014 йилда 577 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1 млн. 85 минг сўмга етди. Жамоа шартнома ва келишувлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик орқали 1428 нафар фуқарога моддий кўмак берилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг VII Курултойида мустақиллигимизнинг йигирма беш йилли-

ги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўринлари яратиш таклифи маъқулланди. Бу борада касба уюшма фаоллари томонидан жойлардаги касб-хунар коллежлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ҳудудлардаги имкониятлардан келиб чиққан ҳолда маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида 2016 йилда янги иш ўринлари яратиш бўйича вилоятнинг манзили дастури яратилди. Дастурга мувофиқ виллоят бўйича коллеж битирувчилари учун жами 345 та янги иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган.

Дастур асосида вилоятда бугунги кунга қадар 71 та иш ўрни яратилди. Ушбу иш ўринлари чоқли буюмлар тикиш,

Юртим жамоли

Қишлоқда намунавий уй-жойлар сони йил сайин кўпаймоқда

Вилоятимизнинг қай бир туманига борманг, намунавий уй-жойларга кўзингиз тушади. Уша хонадонларда яшаётган қишлоқ аҳолисининг ҳар томонлама қўлайликларга эга бўлганидан мамнунилини туйсиз. Бу ҳолат эга қурувчиларни хурсанд этгани ҳолда янги зафарларга хорлайди. Қурилатган объектларнинг сифатли ва ўз вақтида топширишга ундайди.

Намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жойлар дастурини амалга ошириш билан қишлоқлар кўринишини тубдан ўзгариш, муҳандислик тармоқларини яхшилаш кўзда тутилган. Энг асосий вазифалардан бири қишлоқ аҳолисининг яшаш шартини шаҳарликлар турмуш даражаси билан тенглаштиришдан иборат.

2009 йилда вилоятнинг Ғиж-



дудон ва Вобкент туманларидаги 2 массивда 40 та уй-жой қурилган эди. Бу бунёдкорлик йил сайин кенг қулоч ёйди.

2015 йилга келиб вилоятнинг 24 та массивида қурилган уй-жойлар сони 923 тага етди. Шу йиллар давомида жами 173 та массивда 4277 та намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энг катта ҳажмдаги ишлар Бухоро туманида амалга оширилди. Утган даврда мазкур туманда 302 та намунавий уй-жой барпо этилган бўлса, унинг 102 таси биргина «Гушанобода» ҚФЙ ҳудудига тўғри келади. Бу эса қиш-

лоқлар ҳусни-жамоли тубдан янгиланаётганидан далолатдир.

Вилоятда 2016 йилда 25 та массивда 992 та намунавий уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, уларни юртимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйи арафасида, фойдаланишга топшириш белгиланган.

Хусниддин НУРМУҲАММЕДОВ, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси МҲЖ Бухоро вилоят филиали бош муҳандиси

Туёна

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоромизга темир йўл орқали ташриф буюраётган сайёҳлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Айниқса, меҳмонларнинг қатнови мустақиллик йилларида сезиларли даражада ошди. Уларнинг узогини яқин қилиши, хориклик ва маҳаллий йўловчиларга намуналий хизмат кўрсатишини юқори даражага етказиш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимиздан Бухорога «Афросиёб» тезорар поезди қатновини йўлга қўйиш борасида жадал иш олиб бориляпти.

«Афросиёб»

Бизнинг йўл хизмати ус-тахонаси корхонамиз ишчи-ҳодимлари айни кунларда «Самарқанд — Бухоро» электрлаштирилган темир йўл қурилишидагайрат-шижоат кўрсатишгапти. Ҳозиргача 100 километрдан ортиқ масофадаги темир йўл талаб даражасида қайта таъмирланди. Автомашина ва тракторлар ёрдамида Мароканд — Жума, Зиёдин — Зирабулоқ, Навоий — Зиёдин бекатларида 55 минг метр кубдан ортиқ тупроқ-шағал ишлари бажарилиди. Шунингдек, Мароканд — Жума бекатлари оралигида 6 та, Зиёдин — Зирабулоқ бека-

тида 19 та, Навоий — Зиёдин бекатлари оралигида 26 та сув иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги электрлаштирилган темир йўл қурилиши лойиҳасида Бухоро бекатининг капитал таъмири ва ободонлаштирилиши алоҳида аҳамият касб этади. Бу юмушларда ҳам корхонамиз ишчи-муҳандислари фаоллик кўрсатмоқда. Вазифаларнинг долзарблигини инобатга олиб корхонамизнинг таъмирлаш ҳеҳида ҳам ишлар авж олдирилган. Бу ерда темир йўлларда ишлатиладиган оғир турдаги машина ва маҳсулус тех-

# азиздир инсон!

## сари дадил қадам

заргар, тош уймакорлиги, атторлик буюмларини тайёрлаш ва сотиш, савдо, фермерлик, миллий ширинликлар, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш, боғдорчилик, гузаллик салоли йўналишлари ҳиссасига тўри келади.

Бухоро минтақавий темир йўли узели касаб уюшма ҳудудий кўмитаси билан ҳамкорликда Когон шаҳрида нон ишлаб чиқариш шохини ташкил этиш ҳамда 7 нафар коллеж битирувчисининг бандлигини таъминлаш бўйича ишлар бошланган. Битирувчилар коллежни тугаллагач, «Касабанон» масъулияти чекланган жамиятида иш ўрнига эга бўлишади.

Меҳнаткашлар орасида миллий гоя тарғиботини олиб бориш, уларнинг маданий-маърифий эҳтиёжларини ҳимоя қилиш, бун вазифаларини сермазун ташкил қилиш, оммавий спортни ривожлантириш, фарзандларини соғломлаштириш ҳам асосий фаолият йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳар йили вилоятдаги 20 дан ортиқ давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қўшма тадбирлар тўзилиб, шу

асосда маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилапти.

Жумладан, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳар ой ўтказилаётган «Маънавият соат»ларида рўстимизда кечаётган буюқ ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, диний ақидапарастлик, тинч-лигимизга хавф солувчи бузувчи гоёларга қарши мустақкам иммунитет ҳосил қилиш, миллий қадрият, аҳана ва урф-одатларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлиш хусусида атрофлича сўз юритилмоқда.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда маданий тадбирлар ташкил этилиб, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга моддий ёрдам бериб бориш ҳамда улар билан қарлаш кунини муносабати билан барча туман ва шаҳарларда йилнинг ҳаёти ҳақидаги муҳим ҳақиқатларни ташкил қилиш ва меҳнат фойдаланувчилари билан «Тарихий хотира — келажак пойдевори», «Утганлар хотирасини ёдда сақлаш ва руҳларини шод этиш — ҳаққимиз учун муқаддас фазилат» мавзуларида тадбирлар ўтказилиб, хотира турнирлари

ташкил этилаётди.

Велоспортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида 2012 йилдан буён «Касаб-тур» веломарафони ўтказиб келинмоқда. Касаб уюшма аъзоларининг соғлом турмуш тарзи асосида меҳнат фаолиятини олиб бориш, камҳаракатлик туфайли юзага келувчи турли касалликлардан ўзини сақлашга кўмаклашиш мақсадида ходимлар гимнастикаси жорий этилган.

Вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассислари томонидан меҳнат муҳофазасини ташкил этиш бўйича корхоналар маъмурияти ва касаб уюшма кўмиталарига амалий ёрдам берилиши натижасида бу йўналишдаги тадбирларни бажариш учун сарфланадиган маблағлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ходимларни махсус ҳимоя-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, тиббий кўриқдан ўтказиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш борасида илҳомий натижаларга эришилаётди.

Бир неча йиллардан буён ёнги соғломлаштириш мавсуми Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси асосида илҳомий ташкил этилмоқда.

Жорий мавсумда вилоятимизда 17 минг 400 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Шундан 6 минг 700 нафари шаҳардан ташкари ва 10 минг 700 нафари кундузги оромгоҳларда дам олдирилади. Шунингдек, 100 нафар иқтидорли ўқувчи, 70 нафар «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчисини касаб уюшмалари маблағлари, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 50 нафар фарзандини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағи ҳисобида бепул соғломлаштириш белгиланган.


Вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассислари томонидан меҳнат муҳофазасини ташкил этиш бўйича корхоналар маъмурияти ва касаб уюшма кўмиталарига амалий ёрдам берилиши натижасида бу йўналишдаги тадбирларни бажариш учун сарфланадиган маблағлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ходимларни махсус ҳимоя-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, тиббий кўриқдан ўтказиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш борасида илҳомий натижаларга эришилаётди.

## Эл соғлиги — юрт бойлиги

**Бундан 4-5 йил илгари Вобкент туман тиббиёт бирлашмасида бўлган киши унинг бугунги кўйида қанчалик тиббий муассасалардаги шарт-шaroитлар, мутахассисларнинг касб маҳорати кескин ошганлиги кишига мамнулик бағишлайди.**

## Тиббий хизматдаги юксалиш

1998 йилдан бошлаб туман тиббий хизмат соҳасида туб бурилишлар даврига қадам қўйди, десак хато бўлмайди. Президентимизнинг ўша йил 10 ноябрда имзолаган қарорига асосан ҳудудимизда 30 та қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) ташкил этилиб, жойлардаги давр талабларига жавоб берадиган қолган 47 та фелдшерлик-акusherлик пункти, қишлоқ врачлик амбулаторияси, қишлоқ участка шифоналари қисқарди. Туман марказий шифонасида шошилинч тиббий ёрдам ва қабулхона бўлимлари ҳамда реабилитация бўлимлари иш бошлади.



«Саломатлик-2» ва «Саломатлик-3» лойиҳалари асосида барча ҚВПлар замонавий тиббий асос-усуналар билан таъминланди. Бундан 2 йил илгари марказий шифона ҳудудида бир сменада 250 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника ишга туширилди. Тиббий ёрдамга эҳтиёжи бўлган аҳоли учун амбулатор шaroитида кам харажатли ва уйдан узоқлашмаган ҳолда даволашни имкони яратилди.

— Соғлом она ва бола йлида малакали шифокорлар иштирокида аҳолининг чуқурлаштирилган профилактик текширувини ташкил этишди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Аскар Бахронов. — Пировавдида, касалликлар эрта анжиданиб, соғломлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳукуматимиз томонидан бирлашма мизга энг сўнгги русумдаги резномбил-интенсив даво ва муолажа, юқори тезлик, барча қулайликларга эга, жаҳон андозасидаги тез ёрдам машинасининг совға қилингани хизматларимиз сифат ва самарасини оширмоқда.

**Шерзод ЭГАМОВ,**  
**«Бухороавтоўй» худудий йўллардан фойдаланиш корхонаси директори ўринбосари**

**И. ҲОЖИЕВ**

## Бунёдкорлик

Йиллар ўтаётди, шу йиллар билан бирга дунёқарашимиз ҳам ўзгармоқда. Кечагина бизга мўъжиза бўлиб кўринган ўзгаришлар бугун оддий воқеликка айланаётди. Бу мустақилликнинг илк йилларидан Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган «Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун», деган гоининг нақадар ҳаётини эканини кўрсатади.

# Равон йўллар обод манзилларга элтади

Маълумки, тараққиёт ва бунёдкорлик тинч, обод ва фаровон юртга ярашади. Танлаган йўли ва ўз олдига қўйган мақсади сари оғишмай дадил қадам ташлаётган ҳаққимиз амалга ошираётган ишларга назар ташлаб, шуни англаш мумкин: Ўзбекистон ўзининг буюқ бунёдкорлик ишлари билан дунёни лол қолдирмоқда.

Бугун Бухоронинг қай бир гўшасида бўлманг, ҳар жабҳада кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг гувоҳига айланасиз. Айниқса, йўлсозларнинг шизоати сизни берақ қолдирмайди. Вилоят марказини олис-яқин манзилларга боғлаб турувчи ҳалқаро, давлат ҳамда маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 4101 километрни ташкил этади.

Президентимизнинг 2015 йил 6 мартдаги «2015 — 2019 йилларда муҳандис-

лик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга ошириляпти. Бу ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун 11 та туман йўл ҳўжалиги корхоналари, «Бухоро-Навоий» магистрал йўллар корхонаси, Бухоро кўприк ҳўжалиги корхонаси ва «Бухоройўлгранит» унитар корхонаси ҳамда фаол таркибдаги 50 та йўл бўлими фаол иштирок этмоқда.

Белгиланган режа асосида ҳозиргача «Узавтоўй» АК тизимидаги корхоналар томонидан 19 км. автомобил йўли реконструкция қилиниб, 10 км.лик йўл фойдаланишга топширилди, битта транспорт очилми қурилди. «Бухоро-Ғиждувон» йўналишида «Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши»

**Шерзод ЭГАМОВ,**  
**«Бухороавтоўй» худудий йўллардан фойдаланиш корхонаси директори ўринбосари**

никаларнинг барча турдаги носозлари ўз вақтида ва сифатли таъмирланапти. Темир йўлларда ишлаб чиқарилган қўллаб асбоблар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб бериляпти.

Корхона маъмурияти ва касаб уюшма кўмитаси жамоа шартномасида қайд

этилган барча бандларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида ҳамкорликда иш олиб бораётди. Айниқса, жамоадаги 328 нафар ишчининг меҳнат қилиши, дам олиши, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилиши, саломатлиги,

иш ҳақи билан ўз вақтида таъминланиши, илғорлар рағбатлантирилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Жамоамизда ўз касбининг моҳир усталари, ташаббускор ёшлар кўпчилиги ташкил этилди. Кувончли жиҳати,

# Бухорога келади



**Рустам ОМОНОВ,**  
**Бухоро-1 темир йўл бекати йўл хизмати устaxonаси корхонасининг касаб уюшма кўмитаси раиси**

Самарқанд — Бухоро электрлаштирилган темир йўл қурилиши яқунловчи босқичга қираяпти. Хадемай, «Афросиёб» тезуор электрпоезди янгидан бунёд этилаётган ҳашаматли Бухоро бекатига етиб келади. Бу эса мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлашга пухта тайёрлаган кўраётган халқимизга муносиб тўхфа бўлиши шубҳасиз.

## Эътибор

# Аёлларга кўмақдош

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Юртбошимиз раҳнамоллигида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор кўрсатиляпти. Баркамол авлоднинг тарбиялаш, оилаларда соғлом муҳитни вужудга келтириш, аҳлиқиликни мустаҳкамлашга қаратилган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг бажарилишида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи унитар корхонаси касаб уюшма кўмитаси ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Корхонада ишлаётган ёш оилаларга тўй маросимларини ўтказиш ва турмуш шaroитларини яхшилаш учун ҳоийлик ёрдамлари кўрсатиляпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида 32 нафар аёл ходимлар жамоа шартномаси талабларига асосан соғлиқни сақлаш ҳамда касаб уюшмаларига қаршили шифохона ва санаторий-профилакторийларга касаб уюшма маблағи ҳисобидан юборилди. 20 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилади. 18 нафар аёл ва ёшлар «Оқшо», «Чимён», «Ситораи Мохи Хоса» сикатгоҳларида соғломлаштирилди. Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва диспансеризация олиб бориш учун 38,4 млн. сўм маблағ сарфланди.

Жамоа шартномаси ва келишувлар орқали аёллар ҳамда болаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари доирасида ходимларнинг 120 нафар фарзандига спорт тўғаракларига қатнашиш харажатларига 4,2 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилади.

Ишловчи хотин-қизлар ўртасида «Соғлом она — юрт келажиги» шiori остида спорт мусобақалари ўтказилди. Ғолиблар касаб уюшмасининг пул мукофотлари ва фaҳрий ёрликлари билан тақдирланади. Ёз мавсумида ходимлар ва эҳтиёжманд оилаларнинг 1000 нафар фарзанди «Нефтич» оромгоҳида соғломлаштирилади. Бу ерда болажонлар учун барча шарт-шaroит яратилган.

**Сайёра РАҲМОНОВА,**  
**Ўзбекистон нефт-газ ва геология ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича мувофиқлаштирувчи ходими**

Кўшаҳифани «Ishonch» мухбирлари Иззатулла ҲОЖИЕВ ҳамда Тўлқин ШЕРНАЕВ тайёрлади.

## Реклама

### «KOSHMAS MULK MENEJMENT KONSALTING» MЧЖ Бухоро вилоят филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларида тақлиф этади

Ромитан туман «ХАЛҚБОД» мўқобил машина трактор паркиннинг 2016 йил 21 апрелдаги 1-сонли ва 2016 йил 6 июндаги 3-сонли умумий йилгилик баённомалари ҳамда 2016 йил 7 июндаги 04-сонли буюртма хатига асосан «ХАЛҚБОД» мўқобил машина трактор паркига таъинли бўлган Бухоро вилоят Ромитан тумани Ромитан ҚФЙ, Назаробод қишлоғида жойлашган умумий майдони 173000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 90803,14 кв.метрдан иборат «Ойнаванд иссиқхона мажмуаси» биноларини қўйидаги қисмларга ажратган ҳолда ҳар бири ЛОТ тартибида қўйилмоқда:

- 1-ЛОТ. қурилиш ости майдони 10602,24 кв.метрдан иборат 1-Ойнаванд иссиқхона ва қурилиш ости майдони 481,92 кв.метрдан иборат Ойнаванд йўлак қисми. Бошланғич баҳоси — 306 700 000 (уч юз олти миллион етти юз минг) сўм.
- 2-ЛОТ. қурилиш ости майдони 10602,24 кв.метрдан иборат 2-Ойнаванд иссиқхона ва қурилиш ости майдони 481,92 кв.метрдан иборат Ойнаванд йўлак қисми. Бошланғич баҳоси — 306 700 000 (уч юз олти миллион етти юз минг) сўм.
- 3-ЛОТ. қурилиш ости майдони 10602,24 кв.метрдан иборат 3-Ойнаванд иссиқхона, қурилиш ости майдони 580,48 кв.метрдан иборат Ойнаванд йўлак қисми, қурилиш ости майдони 45,8 кв.метрдан иборат Ойнаванд йўлак қисми ва соҳақсонлар. Бошланғич баҳоси — 277 500 000 (икки юз етмиш етти миллион беш юз минг) сўм.
- 4-ЛОТ. қурилиш ости майдони 10602,24 кв.метрдан иборат 4-Ойнаванд иссиқхона. Бошланғич баҳоси — 292 100 000 (икки юз тўқсон икки миллион олти юз минг) сўм.
- 5-ЛОТ. қурилиш ости майдони 10602,24 кв.метрдан иборат 5-Ойнаванд иссиқхона. Бошланғич баҳоси — 292 100 000 (икки юз тўқсон икки миллион олти юз минг) сўм.
- 6-ЛОТ. қурилиш ости майдони 11084,16 кв.метрдан иборат 6-Ойнаванд иссиқхона. Бошланғич баҳоси — 275 200 000 (икки юз етмиш беш миллион икки юз минг) сўм.
- 7-ЛОТ. қурилиш ости майдони 313,7 кв.метрдан иборат Ишлаб чиқариш цехи биноси. Бошланғич баҳоси — 62 600 000 (олтиш икки миллион олти юз минг) сўм.
- 8-ЛОТ. қурилиш ости майдони 53,4 кв.метрдан иборат 1-Коруволхона биноси. Бошланғич баҳоси — 10 700 000 (он миллион етти юз минг) сўм.
- 9-ЛОТ. қурилиш ости майдони 913,76 кв.метрдан иборат Омирхона АЕК биноси ва қурилиш ости майдони 236,8 кв.метрдан иборат Ойнаванд йўлак қисми. Бошланғич баҳоси — 256 200 000 (икки юз эллик олти миллион икки юз минг) сўм.
- 10-ЛОТ. қурилиш ости майдони 83,82 кв.метрдан иборат Омирхона ва қурилиш ости майдони 18,6 кв.метрдан иборат 2-Коруволхона биноси. Бошланғич баҳоси — 24 000 000 (ишккми тўрт миллион) сўм.

**Талабгорлар диққати!**  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртмалардан «Савдо ташкилотчиси» томонидан расмий иш қулилари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-соғди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилган бўлади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадига талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шартдаги буюртмалардан аукцион ташкилотчисининг Бухоро шаҳри, Когон шоссеси 34-ўй манзили бўйича аукцион жаберномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Буюртмаларни қабул қилиш охири мунддати 2016 йил 11 июл кун соат 18:00 да тўхтайтилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадига бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат пили тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоиздан зиёд қисми закат пулининг тўлашуни ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нуқсаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома, низоом нуқсаси, вақил иштирок этиганди ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдолари 2016 йил 12 июл кун соат 11:00 да Савдо ташкилотчисининг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Мазкур мулклар 2016 йил 12 июл кун соат 11:00 даги очилган аукцион савдосида ситилмаган тақдирда тақорий аукцион савдолари 2016 йил 19 ва 26 июл кунлари соат 11:00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Тақорий савдо учун буюртмачиларнинг қабул қилиш охири мунддати: 2016 йил 19 июл кун соат 18:00 да тўхтайтилади. 2016 йил 25 июл кун соат 18:00 да тўхтайтилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат пулининг тўлашуни ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нуқсаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома, низоом нуқсаси, вақил иштирок этиганди ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдолари 2016 йил 12 июл кун соат 11:00 да Савдо ташкилотчисининг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

### СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ 15-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ 2016 ЙИЛ МАНЗИЛ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№ п/л	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш мундати
1.	Сирдарё вилояти туманлардаги мезолитлар насос агрегатларини таъмирлаш тижлаш.	325 274 233 сўм	370 кун (2016-2017 йиллар).

**Қурилиш ишларини молиялаштириш: Мелиорация фонди ҳисобидан.**  
**Буюртмачининг манзили: Гулистон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 127-уй.**  
**Телефон (0-367) 225-11-30, (0-367) 225-13-42.**

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамидан танлов савдолари предмети қўйилганининг ҳамда 20% микдоридagi айлана маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағ банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мулкнинг ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониётларга, шартнома тузиш асосидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тақрибли ва ишончли бўлишлари, ўхшаб объектларда ишлаш тақрибисининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган объектларда, қурилиш пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотларнинг танлов савдоларида иштирокчи тавсия хусусини эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан,

- қиймати 500,0 млн. сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун танлов (тендер) савдолари фақат қурилиш иштирок этиганди, уларнинг танлов тақлифлари баҳолаганда маълуматнинг пудратчилар учун қўйидаги нарх преференциялари қўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларидан четдан ишлар (хизматлар) киритилиши қўзда тутилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30-ўйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қўйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Тел: (факс): (0-367) 227-64-42. Бир тўпам танлов ҳужжатларининг нархи — 87 960 сўм.**

Тақлифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан оқоридида манзилида қабул қилинади.

Оферталарни очилиш кунини ва соатига. Танлов савдоси матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази биноси.

**Хизматлар лицензияланган.**

### БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУОРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№ п/л	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш мундати
1.	Сирдарё тумани Аҳубобова йўлакчасидagi «Муруват» аёллар уйлга ётқоҳона биноси қурилиш объектнинг қўллаш ишлари (2 этап).	1 165 454 801 сўм	971 212 334 сўм	180 кун

**Қурилиш ишларини молиялаштириш: Буюртмачининг махсус депозит ҳисобидан.**  
**Буюртмачининг манзили: Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уй.**  
**Телефон/факс: (0-367) 227-63-86.**

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамидан танлов савдолари предмети қўйилганининг ҳамда 20% микдоридagi айлана маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағ банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мулкнинг ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониётларга, шартнома тузиш асосидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тақрибли ва ишончли бўлишлари, ўхшаб объектларда ишлаш тақрибисининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун танлов (тендер) савдолари фақат қурилиш иштирок этиганди, уларнинг танлов тақлифлари баҳолаганда маълуматнинг пудратчилар учун қўйидаги нарх преференциялари қўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларидан четдан ишлар (хизматлар) киритилиши қўзда тутилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-ўйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қўйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Тел: (факс): (0-367) 227-64-42. Бир тўпам танлов ҳужжатларининг нархи — 132 800 сўм.** Тақлифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан оқоридида манзилида қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчиси тақ

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

## Рамазон туҳфаси

Президентимизнинг жорий йил 1 июндаги «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»-ги қарорида шундай пурмаъно гап бор: «...муқаддас Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида муҳассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз арконларини эъозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни ўзаро яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват қилишга қаратилган кенг қўламли савобли амаллар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин».



# ШУКРОНА

Ақлини таниган одам учун мана шу гапнинг ўзи қанчалар улуг неъматдир. Ахир унда таъкидланган жиҳатлар Исломининг асоси, моҳиятини ташкил этади. Ҳақбаха Юртбошимизнинг ўзлари томонидан мунтазам эътибор қаратилаётгани мамлакатимизда динга бўлган муносабатнинг нақадар шаффофлигини билдиради. Бунинг натижаси ўлароқ, ўлкаимизнинг ҳар бир ҳудудида муҳташам масжидлар барпо этилгани, муқаддас қадамжоларни обод қилиш анъана тусини олгани, ўзаро меҳр-оқибат ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганини кўраямиз.

Тингловчилар юз ифодасида ҳам бунди дилдан ўтказиб тасдиқлаётгани акс этади. Тўй-маъракаларда дастурхон тўқин, ош-овқат мўл. Ҳамжиҳатлик, бирдамлик туфайли каму кўстлар тезда бартараф этилади. Бошига мусибат тушган кишининг ёнида елкадош бўлиб, беминнат хизматга шай бўладиган юртдошларимни кўриб, ич-ичдан фахр туяман. Бундай эл яна қайда бор экан, дея ўйлайман. Маънавият-маърузаларда шу ҳақда гапириб, биз ўзбекиона, миллий урф-одатларимиз, деб баҳолайдиган амаллар асли Қуръон ва ҳадисларга уйғун келишини таъкидлаймиз.

Хизмат тақозоси билан эл ичида бўламиз. Баъзан айрим кишилар майда-чуйда камчиликлардан норози бўлиб гапирганда танбех берамиз. Кейинги пайтларда шуну кузатайманик, эл ичида шукрона айтувчилар кўпайди. Осовишталаникнинг қадрига етишга ундовчи суҳбатлар давраларнинг мавзуси бўлаёттир. Бунда кўпни кўрган кайвони нурунийларнинг ҳиссаси катта, албатта. Айниқса, бир неча кишлоқлардан ташкил топган Чим ахлининг Жўра ҳожи, Ҳамдам ҳожи, Мўмин ҳожи, Наби бобо сингари оқсоқоллари ўтмиш ва бугуннинг қиёсини ҳаётий мисоллар орқали келтириб, энг яхши даври давронни шу кунларда суришадигани, бошқалар ҳам шундай фараҳли дамлардан бирдай баҳраманд бўлаётгани хусусида гапириб юришади.

Ҳақиқатан ҳам халқимиз яшаш тарзи, миллий-маънавий қадриятларимиз асосида исломиий маърифат муҳассам. Турли нуқталарида нотинчлик ва иллатлар ҳукм сураётган она заминнинг озод ва обод бўлиши, доно элдошлар даврасида муборак кунлар суруридан баҳраманд бўлиб яшаётганимиз учун бехисоб шукроналар айтмаймиз. Замонамиз бундан ҳам яшанаб, бардавом бўлишини дуоларда сўраймиз.

**Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ, Камаши туманидаги «Чим» жомеъ-масжиди имом-хатиби**

## Миллий қадрият

# РАМЗЛАР ЖИЛОСИ

Бекатда автобус кутиб тоқатим тоқ бўлгач, ноилж такси тутдим. Йўлда, чамаси, 50 ёшдан ошган такси ҳайдовчиси кўрган-кечирганидан гурунг беришни бошлади. Ҳар замонда унинг гапини маъқуллаган бўлиб бош қимирлатиб қўяман. Ёшлар ундок, ёшлар бундок дея нолиб келаётган ҳайдовчи бирданги қулиб юборди. Кейин эса йўл четидида кетиб бораётган, бошига дўппи кийган одамни кўрсатиб: «Манави кимсан-войни қара, бошига нима кийиб олган. Ахир бу бош кийим қайси замонларда қолиб кетган-ку. Ёшлигимизда деҳқонлар дўппи, раислар шляпа киярди. Биз эса сочни ўстириб юришни маъқул кўрардик. Бу акамиз ҳам деҳқон бўлса керак-да», деди энсасини қотирганча. Ёшларни маломат қилганида индамай кўя қолган эдим, аммо бунисига чидаб туролмадим.



— Ўзбекимиз ахир? Бу киши-ку деҳқон экан, халқининг дастурхони тўқин, оиласи бут бўлиши учун ҳалол меҳнат қилади. Сиз-чи? Сизнинг касбингиз нима? Бу гапимдан кейин у яна ёшларни бетачопар, катталарга ҳурматсизликда айбламоқчи бўлди-ю, бироқ шаштимдан чўчидими, гапирмади. Машинасини тўхтатиб мени ярим йўлда тушириб кетишни маъқул кўрди. Қуёш яхшигина киздирган экан бошимдан иссиқ ўтди. Аксига олиб, машиналар ҳам тўхтамайдилар. Уша вақтда: «Эҳ, қани эди ҳозир менинг ҳам бошимда дўппим бўлса, иссиқдан асрарди», деб ўйлаб қолдим.

Дўппи қадимда туркий халқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, шу кунга қадар ўзбек халқининг миллий бош кийими ҳисобланади. Ўзбек дўппилари ўзига хос шакли, безаги билан

фарқланади. Халқимиз орасида дўппи тикувчилар дўппидўз, дўппи тикиш касби эса дўппидўзлик деб юритилади. Дўппи тайёрлашда Чуст, Марғилон, Тошкент, Шаҳрисабз, Андижон, Самарқанд, Бухоро дўппидўзалари тайёрлаган маҳсулотларнинг бозори анча чаққон. Дўппи тайёрланган жойи, шакли ҳамда кишилар ёши ва жинсидан келиб чиққан ҳолда хилма-хил ва ранг-барангдир. Дўппининг шаклига кўра, ўткир учли, ярим доира, чуқур тубли, думалоқ, каржли каби турлари кўп учрайди. Дастлабки дўппилар шакли ўткир учли қилиб салла билан кийишга мўлжалланган. 20-асрнинг 20-йилларидан шакли ўзгариб, тепаси думалоқ ёки мурабба шаклга кирди. Дўппи асосан уч қисмдан — тепа (айлана, тўртбурчак шаклида), кизак (гардиш шаклида) ва хияқдан ташкил топган бўлади. Юртимизнинг турли жойларида турфа хил безатилади. Дўппи шойи, сатинга ип, ипак, зар иппар билан кашта тикиб тайёрланади.

Ҳар бир жойнинг ўзига хос дўппи тайёрлаш усуллари мавжуд. Мисол учун: Чуст дўпписи тўқ яшил шойи ёки сатиндан каржли қилиб тайёрланади. Тепасининг ҳар бир қаржидида тўрт қалампир нусха ёки бодом шакли, кизакнинг ҳар бир қаржидида тўрттадан мөҳроб (ярим доира) шакли кашта билан сидирга қоплаб оқ ип ёки ипакда тикилади. Тайёр дўппининг тепаси кизакдан мурабба шаклида бўртиб чиқади.

Марғилон дўпписи гуллари нисбатан ингичка ва узун қалампир шаклининг сидирга қопланмаслиги билан фарқланади. Тошкентнинг духоба дўпписи эса сидирга баҳамалдан, бухоро дўпписи сидирга ёки гулли баҳамалдан тайёрланади. Бухоро дўпписига ранг-баранг ипак ипларда йўрма усулида кашта тикиб безатилган жияк тутилади. Ироқи дўппи Шаҳрисабзда кенг урф бўлган. Кейинчалик бошқа жойларга тарқалиб, ҳар бир маҳаллий жойнинг ўзига хос безак усулида яратила бошланди. Ироқи дўппининг энг яхши намуналари Шаҳрисабз ва Китоб дўппидўзалари томонидан тайёрланади.

Дўппининг барча турдаги намуналари Ўзбекистон санъат музейида учратилиши мумкин. Миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги сифатида дўппиларимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шунинг учун ҳам дўппи қўйлаб шойрлар қаламида шеър қилиб битилган, эл суйган хонандалар томонидан қўшиқ қилиб айтилган:

**Қайга бормай бошда дўппим, гоз юрарман гердайиб, Олам узра номи кетган Ўзбекистон, ўзбегим.**

Ҳар бир йигитнинг, қиз-жувоннинг ҳам хуснига хусн қўшиб турадиган дўппилар билан фахрланишга ва уни келажак авлодга етказишга ҳар биримиз бурчимиз.

**Наврўзоҳ Худойқулзода**

Бир гуруҳ ишчи-хизматчилар билан Самарқандга отландик. Пойтахтдаги марказий темир йўл вокзалидан «Афросиёб» теъзорар поездига ўтирдик. Кези келганда айтиш керакки, истиқлол йил-

# РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ



Бир гуруҳ ишчи-хизматчилар билан Самарқандга отландик. Пойтахтдаги марказий темир йўл вокзалидан «Афросиёб» теъзорар поездига ўтирдик. Кези келганда айтиш керакки, истиқлол йил-

ларида нафақат Тошкент ва Самарқанд, деярли барча вилоятлар марказидаги вокзаллар биноси таниб бўлмас даражада кўркамлашди. Теъзорар поездлар икки юздан зиёд давлатнинг фақат йигирматасида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам бор. Поезд тўғри йўлларда соатига 230-240 километр тезликда ҳаракатланади. Вагон ойнасидан қараймиз. Йўл бўйи чўзилган интенсив боғлар... Янги намунали уйлар...

етақчилигидаги ўқувчиларни кўриб қувондик. Регистон майдони, Ҳазрат Хизр масжиди, Бибиҳоним мадрасаси, Шохи Зинда мажмуаси каби обидаларни зиёрат қилдик. Миллий либослардаги аёл-қизларнинг кўплиги, машҳур Сиёб бозоридида қанд-курс, туршак-майизлар таъминдан ҳайратланаётган сайёҳларни кўриб, фахр туйдик. Қўйингки, икки кун камлик қилди. Самарқанд нонидан олиб, ортга қайтдик.

**Озод ХУШНАЗАРОВ, «Оҳангарношифер» АЖ касабаси уюшма кўмитаси раиси**

## Гўзаллик бекати

# «ЎСМАДИН ҚОШЛАР ҚАРО...»

«Ораста қизлар» тўғрагага қатнаётган қизим мавзуларни бирма-бир ўқиётганида улардан бири диққатимни тортиди: «Бувим фойдаланган пардоз воситалари».

— Ойи, бувим қандай пардоз воситаларидан фойдаланган? — сўрайди қизим. — Бувингми, ўсма, хина, сурмадан фойдаланган-да, — дейман унга жавобан.

Бугун-чи? Бугун нафақат кўча-кўйда, ҳаттоки таълим муассасаларида ҳам юзига минг хил бўёқ чаплаган қизларни учратсак ажабланмаймиз. Ном аллабало машҳур фирмалар пардоз воситаларидан уларга ўхшатиб тайёрланган қалбаки маҳсулотларни ёшлар туғул катталар ҳам гоҳида фарқлай олмайди. Саломатлигимизга кўрсатиши мумкин бўлган зарарни-ку айтмай қўяверинг. Ахир ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор-да.

Шу мавзуда мақола тайёрлаш жараёнида бошқаларнинг фикри билан қизиқдим. — Бу йил ўқувчиларим битирувчи синфда. Уларнинг кўз олдимида улғаяётгани, ўзгараётгани гоҳида мени ташвишга солади. Байрам тадбирига уластик суртиб келган қизларга қараб, ота-оналари уларни уйдан чиқайтганида кўрмадиммикан, деб ўйлаб қоламан. Умуман олганда, мактаб ўқувчисига буларнинг кераги бормикан? Тўғри, бола

мактабдалигида унга ўқитувчи масъул ҳисобланади. Бироқ бу ота-оналар зиммасидаги вазифа ҳам мураббийга юклатилади, деган гап эмас-ку, — дейди биз билан суҳбатда Когон шаҳридаги 10-умумтаълим ўрта мактаби ўқитувчиси Рисолат Аҳмедова.



— Хали-ҳамон ёдимда. Олий ўқув юртида ўқиб юрган маҳалим онам: «Кўп бўяниб юрма, ҳали улгурасан. Ёшлиқнинг ўзи такорланмас гўзаллик. Уни қадрла», дерди. Ўзи ҳам ортиқча бўянганини эслай олмайман. Силлик қилиб таралган сочлар, кўзга майин тортилган сурма-ю ўсманнинг рангидан янада жилоланиб, унчиша шай турган қалдирғочни эслатувчи қошлар ҳамда қулоғига кистирилган район. Қанчалар табиий, самимий эди, — дея хотирлайди шаҳардаги Файзулла Хўжаев номли МФЙ

маслаҳатчиси Муҳаббат опа Шомуродова.

Бувиларимиз фойдаланган пардоз воситалари ҳақида маълумот йиғар эканман, манбаларда ўсма хусусида ёзилган фактлар эътиборимни тортиди. Кўйида уни келтиришни лозим топдим. «Ўсманнинг энг қимматли жиҳати — шарбати. У қош ва киприклари, сочни қорайтиради, қалинлаштиради. Ўсма шарбати антибактериал хусусиятга ҳам эга. Унинг илдизи, уруғи ҳам шифобахшдир. Илдизи шамоллашда, ачак касалликларини даволашда яхши самара беради. Ўсмадан тайёрланган дамламани Хитой табиблари тумов эпидемияси, менингит, ўткир гепатит, томоқ яллиғланишини даволашда тавсия қилишган. Момоларимиз ўсма кўзни равшанлаштиради, дейишади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўсма илдизидан тайёрланган дамлама кўзга томзилса, кўрши қобилияти анча ахшиланади. Ўсма уруғи эса сермойиллиги жиҳатидан зигир ўрнини бемалол боса оларкан».

Шундай экан, қизларимизнинг қошлари фақатгина ўсмадан қорайиб турсин. Бунда биз аёллар уларга ибрат бўлмоғимиз даркор. Ховлиғиздаги қафтдеккина ерни тайёрлаб, ўсма экинши унутманг, азиз дўғонажоллар!

**Нилуфар ҲАМРОЕВА**

Санаъатнинг санаотга айланиб бориши натижасида баъзи «ишбилармонлар» томонидан яратилган шовқин-суронли кўй-қўшиқларнинг инсон руҳиятини толиқтириши, нафсоний туйғуларни уйғотиб, киши маънавиятига салбий таъсир ўтказиши, муҳими, энгил-елпиликка ўргатиб қўйиши исботланди. Президентимиз Ислам Каримов: «...агар инсоннинг қулоғи энгил-елип, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадийи диди, муסיқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламни сохта тушуналарга эгзалла олиши ҳам ҳеч гап эмас», дея бежиз айтмаган. Шу ўринда мил-

# МУСИҚА ШИФО, АММО...

лиқ адабиётимизнинг етук вакили, шoir ва ёзувчи Омон Муҳторнинг «Уйин» ҳикоясидан олинган кўйидаги парчага эътибор қаратсак: «— Одамда бироз фаросат бўлса экан, — мийғида қулиб, деди Келдиев даврадагиларга бир-бир кўз ташлаб, телевизорга имо қилганча. — Эътибор бердимларми, «Не жафолар чекмадим бир бевафо дилдор учун!» деб ашула айтаяпти. Афтидан шу йигит не жафолар чеккан кишига ўхшайди?! Асло! Бунақа ёғли кўз, кип-қизил юз, катта қорин билан унинг ўзи бевафалик қилиб, кимгадир жафо юклаши мумкин-ку, лекин би-

ровни деб қуйишига мен мутлақо ишонмайман!... — Артист-да, дадаси, ўрганганини айтади, — деб гапга аралашди Келдиевнинг хотини Заммира.

— Ўргансин, айтсин, марҳамат, мен қарши эмасман, — қайсарланди Келдиев. — Лекин ашула одамга бундай мусо тўшиши керакми ёки йўқми? Одамларимиз жуда маданиятли бўлиб кетган, деймиз-у, биздан оддий фаросат тўғрисида ўйламаймиз».

Бунда муаллиф ўз фикрларини образлар тилида баён қилиб, унда санаъатнинг нозик соҳа эканлиги, ижро этган куй-қўшиқ томошбон руҳиятига катта таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Шунингдек, муסיқий асар тингловчилари асосан ёшлар эканлиги боис, санаъаткорлар улар тарбиясига қисман масъул эканлигини алоҳида уқтиради. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, санаъат ва маданият доимо инсон руҳий оламини бойитиб, унга фақатгина ижобий таъсир кўрсатиши лозим. Бунинг учун биз мумтоз муסיқа ва қадриятларимизга алоҳида эътибор қаратиб, улар ёрдамида ёшларимизни руҳан соғлом, ирода-си мустаҳкам ва комил инсон бўлиб ўлгайтиришга эришишимиз лозим бўлади.

**Шоҳсида ЭШВЎТАЕВА, ЎЗМУ талабаси**

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**  
Jahongir Sharofboyev  
**Tahrir hay'ati:**  
Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshch

**BO'LIMLAR:**  
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftoning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltvida erkin narxda.

ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatishli short. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUUDULARDAGI MUXBIRLAR:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-86-87  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**  
U.Ibodinov  
**Navbatchi:**  
N.Mahamov  
**Musahhirlar:**  
S.Shodiyeva  
**Sahifalovchilari:**  
H.Abdujalilov

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasxonasida chop etiladi.**  
**Korxonalar manzili:**  
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.  
**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.  
Hajmi 2 bosma tabaq.  
Buyurtma T — 615.  
20632 nusxada bosiladi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133